# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 111668/22.

**Кармана тумани** "07" 07 2022 йил

**"Навоийийўлкўкалам" унитар корхонаси** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб **юритилади)** номидан устав асосида ҳаракат қилувчи директор **Ш.Ж.Худойқулов** бир **томондан ва "ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI" МЧЖ** (кейинги ўринларда "Бажарувчи" **деб юритилади)** номидан устав асосида ҳаракат қилувчи директор **А.К.Қобилов** ушбу **шартномани туздилар:**

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Бажарувчи ўз таваккалчилиги, узининг ва бошқа сотиб олинадиган материаллар ва кучатлардан, ишчи кучидан ва мавжуд техникаларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топшириғига асосан қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

**"Навоийийўлкўкалам" унитар корхонасига буюртмаси асосида (М-37 Самарқанд –Бухоро –Туркманбоши автомобил йўлга шахобча 4р64 "В" "Навоий аэропортига" 0,385 км оралиқларини кукаламзорлаштириш ва суғориш тизими ўрнатиш) ишлари** 1.2. Буюртмачи Бажарувчига тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини (1-илова) тақдим этиш, бажарилган ишни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш, тайёр бўлган махсулотларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

**2. ШАРТНОМА БАҲОСИ**

2.1. Шартнома баҳоси **996 000 000** *(Тўққиз юз тўқсон олти миллион)* сўмни ташкил этади.

2.2. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сўнгти баҳо Бажарувчи тақдим этган синов баённомалари ва ҳақиқатда бажарилган далолатнома ҳамда ҳисоб фактураларга мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3-бандида белгиланган тартибда қопланади.

**3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

3.1. Шартнома имзолангандан сунг Буюртмачи Бажарувчининг хисоб ракамига бажарилиша лозим булган ишнинг 30 % микдорини олдиндан тулайди

3.2. Шартнома бўйича сўнгги ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан сўнг, қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда, 30 кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

**4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

4.1. Бажарувчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни календар режасида белгиланган муддатларда бажаради (1-илова).

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 31.12.2022 йилгача

**5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

5.1.1. ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачи талабларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

5.1.2.Бажарувчи ўзига тегишли қурилмалар, бутловчи ашёларни сақлашни амалга ошириш;

5.1.3. Ишлаш майдончасида техник ва ёнғин хавфсизлигига ҳамда ишлаш майдончасининг қўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

5.1.4.Бажарувчи ўзига бириктирилган техникалар ва ускуналарда бажарилган синов ишларининг хажми, сифати ва ШНК талабларига жавоб бериши юзасидан "Буюртмачи"олдида жавобгарликни тўла ўз зиммасига олади.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

5.2.1. шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

5.2.2. Бажарувчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 1 ҳафта ичида ускунани қабул қилиб олиш.

**6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айбдор тараф иккинчи тарафга хар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг 0,5% аммо 10% дан ортик булмаган микдорида неустойка тўлайди.

6.2. Мазкур шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

6.3 Агар Бажарувчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Бажарувчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

7.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 3 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий судида якка тартибда кўриб чиқилади. Иқтисодий судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

## 9. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишнинг бориши ушланиб қолса ва ишнинг тугатишнинг шартномада белгиланган муддати 31.12.2022 йилдан ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида лойиҳада назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

9.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қурилиш-монтаж ишлари Буюртмачи томонидан 3 ой дан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи бажариладиган ишни молиялаштириш имкониятини йўқотган бўлса.

9.5. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Бажарувчининг биргаликдаги келишувига мувофиқ тугалланмаган ишлар Буюртмачига топширилади ва у биргаликда келишилган ҳажмда бажарилган ишлар қийматини Бажарувчига тўлаши лозим.

9.6. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга ___5__ кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

**10. БОШҚА ШАРТЛАР**

10.1. Кафолатлт фойдаланиш муддати давомида техникалар ва ускуналардан нормал фойдаланиши имкониятини бермайдиган даражадаги камчиликлар ва уларни бартараф этмасдан туриб техникалардан фойдаланиб бўлмаса, кафолат муддати камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган муддатга узайтирилади.
Камчиликларни бартараф этиш Бажарувчи томонидан ва унинг ҳисобидан амалга оширлади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувчининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Агар Бажарувчи камчиликлар аниқланганлиги ҳақидаги далолатномада кўрсатилган муддатда бажарилган ишлардаги камчиликларни бартараф этмаса, Буюртмачи камчиликларни бошқа ижрочининг кучи билан, харажатларни Бажарувчига юклаган ҳолда бартараф этишга ҳақли.

10.4. Бажарувчи камчиликлар аниқланганлиги ҳақидаги далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, Буюртмачи уларни тасдиқлаш учун малакали экспертиза тайинлайди ва бу экспертиза камчиликлар ва уларнинг хусусиятларини қайд этган ҳолда тегишли далолатнома тузади.

10.5. Бажарувчи Буюртмачининг ёзма розилигисиз бажариладиган ишни ёки унинг алоҳида қисмининг лойиҳа ҳужжатларини бошқа учинчи шахсга сотишга ёки топширишга ҳақли эмас.

10.6. Таъмирлаш ишларини бажариш натижасида Бажарувчининг айби билан учунчи шахсга етказилган зарар Бажарувчининг айби билан бўлганда эса –Буюртмачи томонидан қоплпнади. Бажарувчи етказилган зарарни тугатиш учун зудлик билан чоралар кўради, шу жумладан тегишли харажатларни Буюртмачи қоплайдиган тақдирда ҳам.

10.7. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

**ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:**

| БАЖАРУВЧИ: | БУЮРТМАЧИ: |
|---|---|
| **“ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI” МЧЖ** | **Навоийўлкўкалам** |
| Ғиждувон тумани<br>Зарангари МФЙ<br>АТБ Агро банк Ғиждувон ф<br>Ҳ\р: 20208000000498208001<br>МФО: 00092 ИНН:303189220<br>ОКЭД: 61110<br>Тел: + 0 (91) 408 -44-49<br>ҚҚС тўловчиси коди: | Кармана тумани<br>Уйрот МФЙ Ибн-Сино кучаси 37 уй<br>ТИФ Миллий банк Навоий филиали<br>Ҳ\р: 20210000600834831001<br>МФО: 00196 ИНН:305183988<br>ОКЭД: 81100<br>Тел: + 0(78) 770 -22-92<br>ҚҚС тўловчиси коди: 312010030743 |

**Директор:** ____________ **А.К.Қобилов** **Директор:** ____________ **Ш.Ж.Худайкулов**

**Хулоса:**

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фукаролар Кодексининг 29-боб (437-456 моддалари) буйича тўғри ва тарафлар жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 21-моддасида “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисидаг” қонунга тўла жавоб беради.

**Бош юристконсул** ____________

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 111668 на приобретение "Навоиййўлкўкалам" унитар корхонасига буюртмаси асосида (М-37 Самарқанд –Бухоро –Туркманбоши автомобил йўлга шахобча 4р64 "В" "Навоий аэропортига" 0,385 км оралиқларини кукаламзорлаштириш ва суғориш т**

Способ проведения электронный

Дата 04.07.2022

Время рассмотрения 04.07.2022 09:56

Конкурсная комиссия , (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ХЎДАЙҚУЛОВ ШАРИФЖОН ЖУМАҚУЛОВИЧ | Директор | Навоиййулкукалам УК |
| **Секретарь комиссии** | YAXYOYEV SOBIRJON G'ULOMOVICH | Бош мутахассис | Навоиййулкукалам |
| **Член комиссии** | SHUKUROV OYDIN YAXSHIBOYEVICH | Бош аграном | Навоиййулкукалам |
| **Член комиссии** | BAXRONOV DILSHOD ABIDJONOVICH | Бош хисобчи | Навоиййулкукалам |
| **Член комиссии** | NURITDINOV OYBEK MUXITDINOVICH | Бош иктисодчи | Навоиййулкукалам |
| **Член комиссии** | BOBOYEV TOLIB HAMIDOVICH | директор уринбосари | Навоиййулкукалам |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 04.07.2022 года № лота 111668.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 10.00 / Весовой коэф. ценовой части: 90.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Работы строительные по монтажу водосточных труб** |
| Подробное описание | "Навоиййўлкўкалам" унитар корхонасига буюртмаси асосида (М-37 Самарқанд –Бухоро –Туркманбоши автомобил йўлга шахобча 4р64 "В" "Навоий аэропортига" 0,385 км оралиқларини кукаламзорлаштириш ва суғориш тизими ўрнатиш) ишлари |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 1001 918 894.00 |
| Стартовая сумма | 1001 918 894.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Моддий таъминот

Тип: Бинарное значение

Описание: Охирги йил маблаг айланмаси ва х/р колдиги тугрисида маълумот кредит карзи йуклиги тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО KARMANA SERVIS 2020 | 20 | 0 | 15 | Экспертная | | |
| ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI MCHJ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Коррупцияга карши талаблар

Тип: Бинарное значение

Описание: катнашувчилар коррупция холатларига йул куймаслик буйича харид комиссияси номига ариза ва кафолат хати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО KARMANA SERVIS 2020 | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI MCHJ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Иш стажи

Тип: Бинарное значение

Описание: Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, устав нусхаси. лецензия

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО KARMANA SERVIS 2020 | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI MCHJ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Бюджет карздорлиги

Тип: Бинарное значение

Описание: ДСИ ва бошка бюджет ташкилотларидан карздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома, солик органлари билан тузилган таккослаш далолатномаси

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО KARMANA SERVIS 2020 | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI MCHJ | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №5 Ишларни бажари муддатлари

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишларни уз вактида ва сифатли бажариш юзасидан кафолат хати, ходимлар тугрисида маълумот, мехнат

дафтарчаси нусхаси, мутахасисиликлари бор ходимларни диплом нусхалари

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO KARMANA SERVIS 2020** | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI MCHJ** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO KARMANA SERVIS 2020** | 1 001 918 894.00 | 1 001 918 894.00 UZS | 1 001 918 894.00 | 00.00 | 1 001 918 894.00 | 01.07.2022 09:23:46 | 89.47 |
| **ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI MCHJ** | 1 001 918 894.00 | 996 000 000.00 UZS | 996 000 000.00 | 00.00 | 996 000 000.00 | 01.07.2022 09:39:36 | 90.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO KARMANA SERVIS 2020** | 6.5 | 89.46832 | 95.96832 |
| **ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI MCHJ** | 9.5 | 90 | 99.5 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 111668 от 04.07.2022 года на приобретение “Навоиййўлкўкалам” унитар корхонасига буюртмаси асосида (М-37 Самарқанд –Бухоро –Туркманбоши автомобил йўлга шахобча 4р64 “В” “Навоий аэропортига” 0,385 км оралиқларини кукаламзорлаштириш ва суғориш т определила победителем:

ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI MCHJ
303189220

и резервный исполнитель: OOO KARMANA SERVIS 2020 (306764144)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | BAXRONOV DILSHOD ABIDJONOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | ХЎДАЙҚУЛОВ ШАРИФЖОН ЖУМАҚУЛОВИЧ | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHUKUROV OYDIN YAXSHIBOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NURITDINOV OYBEK MUXITDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BOBOYEV TOLIB HAMIDOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**2022 йил “04” июлдаги “ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI” МЧЖ билан “Навоийулкўкалам” УК ўртасида тузилган 111668/22-сонли шартномага 1 илова**

**ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА КЕЛИШУВ №**

**Кармана тумани** “16” декабр 2022 й

Ўзининг низоми асосида иш юритувчи **“Навоийулкукалам”** **УК** кейинги ўринларда буюртмачи деб юритилади, номидан бир томондан ва ўзининг Устави асосида иш юритувчи раҳбари **О.Я.Шукуров**. хамда **“ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI” МЧЖ** кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади, раҳбари **А.Қ.Қобилов** номидан иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур келишувни туздилар.

1. Мазкур келишувни тузишдан мақсад, тарафлар ўртасида 2022 йил «04» июлда тузилган 111668/22 сонли, жами қиймати 996 000 000 (Тўққиз юз тўқсон олти миллион) сўмлик кукаламзорлаштириш ва сўғориш тизими ўрнатиш ишларига тузилган шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдир.

2. **“ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI” МЧЖ** билан 996 000 000 (Тўққиз юз тўқсон олти миллион) сўмликлик шартнома тўзилган бўлиб, ___.12.2022 йилда корхонанинг хисоб рақамида ***460 000 000 (Тўрт юз олтмиш миллион)*** сўм маблағ борлиги сабабли хамда 2022 йил 1 июлдан бошлаб корхонанинг ТИФ Миллий банк Навоий филилаидаги **22626000100834831001** хисоб рақами ёпилганлиги хамда Навоий вилояти бўйича Ғазначилик бошқармасида **4700108601223470451931 18002** шахсий ғазан хисоб раками очилганлиги сабабли шартнома бўйича тўланадиган маблағ яъни 996 000 000 (Тўққиз юз тўқсон олти миллион) сўм маблағни бажарилган ишлар учун форма 2 форма 3 хисоб фактуралларга асосан ғазначилик орқали тўланишига қўшимча келишув тўзишга келишилди.

3. Хозирги кунда хисоб рақамида ***460 000 000 (Тўрт юз олтмиш миллион)*** сўм маблағ борлиги қолган қисми эса яъни 536 000 000 (Беш юз уттиз олти миллион) сўм ва шартноманинг асосий сўммасидан қолган маблағи бажарилган ишлага қабул қилинганда, корхонанинг хисоб рақамида маблағ мавжуд булганда Навоий вилояти бўйича Ғазначилик бошқармасидаги ҳисоб рақамидан кўчирилишига келишилди

4.Шартноманинг бошқа, мазкур келишув билан дахл қилинмаган шартлари ўзгартирилмасдан қолади ва тарафлар улар бўйича ўз мажбуриятларини тасдиқлайдилар. Шартнома ўзгартирилганда тарафларнинг мажбуриятлари ҳам ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади.

5.Мазкур келишув тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб рўйхатдан ўтгандан сунг қонуний кучга киради ва 202__ йил 31 декабргача амал қилади.

6.Келишув 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ва 2021 йил “11” майда тузилган 5 -сонли шартномага илова қилиниб, унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

**Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

**ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:**

| **БУЮРТМАЧИ:** | **БАЖАРУВЧИ:** |
|---|---|
| **“Навоийўлкўкалам” УК** | **“ULIG`BEK OYBEK RAVNAQI” МЧЖ** |
| Кармана тумани Уйрот МФЙ | Бухоро вилояти Ғиждувон т. Зарангари МФЙ |
| Ибн-Сино кўчаси 37 уй | АТБ Агро банки Ғиждувон филиали |
| Марказий банк ХККМ ББ Тошкент ш | Х\р: 20208000000498208001 |
| ШХР: 4700108601223470451931 18002 | МФО: 00092 ИНН: 303189220 |
| МФО: 00014 ИНН:305183988 | Тел:+ (998) 93 255 11 55 |
| Тел:+ (91) 308-23-33 | ОКЭД: 61110 |
| ОКЭД: 81300 | ҚҚС тўловчиси коди: __________ |
| Тел:+ 0(78) 770 -22-92 | |
| ҚҚС тўловчиси коди: 312010030743 | |

**Директор:** ______ **А.Қ.Қобилов** **Директор:** ______ **О.Я.Шукуров**

Бош юристконсулт______________________________